

ЖАДИД МАКТАБЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

У.ДОЛИМОВ*

XX аср бўсағасида миллий уйғониш, истиқ — лол, мустақиллик учун курашган, жадидачилик ҳаракати номини олган мутафаккирлар гуруҳи етишиб чиқди. Бу гуруҳ миллатнинг ўзлигини танитиш, миллий озодлик ҳаракатини шакл — лантириш ва уни амалга оширишдек улуг ва — зифани ўз олдига қўйган ва бутун Туркистон ўлкасини ҳаракатга келтирган қудратли куч эди. Бу ҳаракатнинг раҳбарлари, намояндалари чет элларда таълим олган ёки тараққий этган мам — лакаларда бўлган, Шарқ ва Ғарб маърифати, маънавиятини эгаллаган, илмга чанқоқ ёшлар эдилар. Улар мустамлака зулми исканжасида харобага айланиб бораётган она — Ватан жаро — ҳатларига малҳам изладилар. Жадидачилар, би — ринчи навбатда, маорифни, мактаб ва мадра — саларни тубдан ислоҳ қилиш, таълим — тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни маънан уй — ютиш учун кураш олиб бордилар. Жадида му — тафаккирлари ўзбек халқининг минг йилдан ортиқ тараққиёт тарихига эга бўлган тафаккур гулшанидан баҳра оддилар, умуминсоний қад — риятларга асосландилар, шу билан бирга, турк дунёси халқларининг маънавий раҳбари Ис — моилбек Гаспралининг ўқиш — ўқитиш, мактаб ва мадраса ислоҳотида оид фикрлари таъсирида бўлдилар. Озарбайжон халқининг ҳурфикрли улуг демократлари Жалил Мамдқулизода, Алиакбар Тоҳирзода Собирлар билан яқиндан ҳамкорлик қилдилар. Уларнинг "Мулла Насриддин" журнали, "Хўп — хўпнома" мажмуаси ўзбек зиёлилари ўртасида катта шухрат қозонди.

Исмоилбек Гаспралининг "Таржимон" газе — таси Русия империяси остида яшовчи ғайри — русларнинг — туркий халқларнинг маорифидан тортиб, иқтисодий — сиёсий шароитларига қизиқди. Исмоилбек Гаспралли бир мақоласида ёзган эди: "Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш во — ситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади, усулидир"¹

Ўқитувчилар шаънига ёниб айтилган бу сўзларни ҳисси ўқиш мумкин эмас. Ҳамма вақт, ҳамма замонларда ўқитувчи жамиятни олға етакловчи асосий куч бўлган ва шундай бўлиб қолади. Миллат тақдирини ўйлаган, унинг нури

истиқболини кўришдек буюк мақсад ҳаёт — ларининг мазмуни бўлган ўзбек жадида мута — факкирларини ларзага солди бу сўзлар. Шунинг учун ҳам улар миллатни жаҳолатга маҳкум этувчи мутаассибликнинг душмани сифатида майдонга чиқдилар, таълим — тарбия тизимини тубдан ўзгартириш ишига киришдилар.

1906 — 1914 йилларда Тифлисида чиққан, му — сулмон дунёсида катта эътиборга эга бўлган "Мулла Насриддин" журналининг муҳаррири Жалил Мамадқулизода Тошкентда Абдулла Авлоний, Самарқандда Сиддикий Ажзий билан яқин адабий — маданий, маърифий алоқада бўлди. Абдулла Авлоний 1917 йилда нашр қилган "Турон" газетаси учун ушбу журнал босмахонасидан керакли ускуналар, ҳарфлар олиб келгани маълум. Сиддикий Ажзийнинг "Анжумани арвоҳ", "Миръоти ибрат" каби дostonлари Тифлисида озарбайжон мутафаккирлари ёрдамида дунё юзини кўрди. "Хўп — хўпнома" мажмуасининг муаллифи Алиакбар Тоҳирзода Собирга Ажзий самимий муносабатда бўлган, унинг ижодидан таъсирланган. Уларни мустамлака зулми остида яшовчи миллат дарди бирлаштирди.

Оренбург ва Уфада чиқиб турган газета ва журналлар Туркистон ўлкасида катта эътибор қозонди, айниқса, маҳаллий зиёлилар диққатини ўзига тортди. "Шўро" журналинини варақлар эканмиз, унинг саҳифаларида Туркистон мао — рифи ва маданий ҳаётига оид жуда кўп мақо — лалар, шеърлар босилганининг гувоҳи бўламиз. Чунки бош муҳаррир Ризо Фаҳриддин журнал фаолиятини Туркистон билан боғлаган ва Туркистон зиёлилари ўртасида унинг эътибори катта эди. Ойбек "Қутлуғ қон" романида унинг номини мамнуният билан тилга олгани бежиз эмас. Татар шоири Баҳромбек Давлатшоевнинг "Туркистон халқина хитоб" сарлавҳали шеъри босилган. Унда XX аср бошларидаги ўзбек жа — дид шеърлятига хос мисралар мавжуд:

Бир эр йўқму сени уйқудин уйғотгувчи,

эй миллат?

Тутиб эгнинг фунун йўлини кўрсатгувчи,

эй миллат,

Туриб ибрат ол ўтмай вақт, кўп ётгувчи,

эй миллат,

Эшит сўзим, фано денгизина бопгувчи,

эй миллат,

*У.Долимов — филология фанлари номзоди, М.Улуғбек номидаги ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети доценти.

Нечун уйғонмаюрсен оламнинг фарёди

зориндан?

Исмоилбек Гаспралининг "Таржимон" газе — таси Россия империяси остида бўлган мусулмон халқларини миллат, Ватан истиқболи ҳақида ўйлашга мажбур этди. Бу газетанинг асосий муштарийлари ҳам дастлаб Туркистон зиёли — лари эди. "Усули савтия" — "усули жаҳид" но — мини олган, товуш методига асосланган янги мактабларнинг биринчи ташкилотчиси ҳам Исмоилбек Гаспрали бўлди. У 1884 йилда "усули савтия" мактабини очди, ушбу мактаб учун "Хўжаи сибён" ("Болалар муаллими") номли биринчи алифбо дарслиги эди. Мутафаккир "усули савтия" методининг хусусиятлари, унинг "усули ҳижоия" методидан афзалликларини баён қилувчи "Раҳбари муаллимин ёки муал — лимларга йўдош" номли методик қўланма ҳам яратди. Исмоилбек Гаспрали "усули савтия" методининг афзалликлари ҳақида гапирар экан, уни "усули ҳижоия"га қарши қўймайди, балки "усули ҳижоия"нинг тадрижий давоми деб қарайди: "Жаҳид усулининг интишорина (ёйи — лишига) чолишдигимиз сизлара ва имама ҳур — матан бир ҳикматдир. Чунки ота — бобо кунла — риндан қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жаҳид демакдир, бошқа бир ўқув, бошқа бир мактаб демак дағилдир. Усули жаҳид оз вақтда зиёда ва даҳо мукаммал ўқутмоқ ва ўқу — моқ йўллариини гўстурур (кўрсатар), гайри бир шай (нарс) дағилдир".

Исмоилбек Гаспрали 1892 йилда Туркистон генерал — губернатори А.Б. Вревскийга ўлкадаги мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган мактуб билан мурожаат қилган. Ис — моилбек Гаспрали ушбу мактубида маҳаллий мактабларда ўқитиш тартибларини соддалаш — тириш, 6 йилда ибтидоий мактабда бериладиган билимни, яъни хат — савод ўргатишни 2 йилда амалга ошириш ва шу йўл билан иқтисод қи — линган 3 — 4 йилни мусулмонлар турмуш ша — роитини, мактабини бузмаган ҳолда рус тилини ўқитишга сарфлаш масаласини қўяди. Бунинг учун баъзи бир илғор мадрасаларни олий дара — жада қайта қуриб, ислоҳот ўтказиш орқали "олий мадраса" ташкил қилиб, рус тили, рус қонуншунослиги ва педагогика фанини асосли ўргатиб, маҳаллий миллат фарзандларидан ўқитувчилар тайёрлаш кераклигини таъкид — лади. Исмоилбек Гаспрали ушбу мақсадда Боғчасаройдаги "Занжирли" мадрасасини Одесса собиқ генерал — губернатори Х.Х.Ропп — нинг ёрдами билан бутунлай қайта таъмир

қилганини ва ўқитувчилар тайёрлайдиган "Олий мадраса"га айлантирганлигини мисол сифатида келтиради ва бундай эзгу ниятга Туркистон ге — нерал — губернаторини ҳам даъват этади: "Мавжуд мадрасалардан баъзи бири "олий" даражада қайта қурилиб, ислоҳ қилинса... улар ҳам диний, ҳам педагогик хизмат қилиш ҳуқу — қига эга бўлур эдилар. Рус тили, рус қонун — шунослиги ва педагогикани асосли ўргатиш "олий мадраса" курсининг мақсад ва асоси бўлмоғи лозим... Ўқувчилар мулла ёки хўжа — ликка (ўқитувчилик — У.Д.) номзод бўлганлар губерния ўқув юртлари дирекцияси ва мусулмон диния бошқармасининг вакили ёки ишончли кишилари кузатувида имтиҳон топширганидан сўнг, ўз мактабларида бир вақтнинг ўзида му — сулмонча ва русча ўқитишни ташкил қилишлари мумкин бўлур эди. Ана шунда ҳеч нарсга ишонмайдиган кишиларда ҳам ислом динининг бузимаслигига заррача шубҳа қолмас эди. Бу ўринда вақфга бой Боғчасарой шаҳридаги "Занжирли" мадрасаси ўрнат бўла олади. У собиқ муваққат Одесса генерал — губернатори жаноб Х.Х.Роппнинг ёрдами билан бутунлай қайта таъмирланди".³

Гаспралининг фикрларига эътибор беринг: бир сўз билан айтганда, у педагогик олий ўқув юрти ҳақидаги эзгу ниятини кун тартибига қўйган.

Вревский хатни ўрганиб чиқиш учун Н.Ост — роумов ва В.Наливкинга топширади. Остроумов устози Н.Илминский ўғитларига амал қилиб, анча вақтдан бери И.Гаспрали фаолиятини ку — затиб борар эди, у Гаспралининг "Россия мусул — мончилиги" асари билан танишиб чиққан ва "Таржимон" газетасининг эътибори Туркистон ўлкасида кун сайин ошиб бораётгани уни қаттиқ ташвишга солар эди. Остроумов, албатта, И.Гаспрали таклифларини кескин рад этди. Н.Остроумов сўзларига эътибор беринг: "Менда ҳеч шубҳа йўқки, у (И.Гаспрали — У.Д.) ўзини Россиядаги "ёш татарлар партияси"нинг раҳ — бари деб тасаввур қилади ва ўз таъсирини ҳатто туркистонликларга ҳам тарқатишга зўр беради. Бахтга қарши, шунини қўйишим мумкинки, у кўп нарсга эришяпти. Унинг маслақдошлари Тош — кентда ҳам бор".

В.Наливкин ҳам Остроумов фикрларини қўлаб — қувватлади ва генерал — губернатор Исмоилбек Гаспралига жавоб ёзишни ўринсиз деб билди.

Бу воқеадан кейин Исмоилбек Гаспрали 1893 йилда Тошкентга келади, Самарқанд ва Бухо —

рода бўлади. Бухоро амири Абдулаҳад билан учрашади ва унинг розилиги билан Бухорода 1893 йилда биринчи "усули жаҳид" мактабини очилга эришади. Бу мактабни амир Абдулаҳад отаси шарафига "Музаффария" деб атаган эди. Шундан сўнг 1893 йилда Самарқанд, Тошкент, Қўқон шаҳарларида ҳам дастлабки "усули сав-тия" методига асосланган "усули жаҳид" мак-таблари очилди. Аммо бу мактаблар узоқ фао-лият кўрсатмади, мутаассиблар қаршилигига учраб, тезда ёпилди.

Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкаларида қўлланган мактаб соҳасидаги сиёсати, иложи борида, бундай "усули савтияи тадрижия" (И.Гаспрал) мактабларини тақиқлаш, жуда бўлмаганда, уларнинг кенг тарқалишига турли тўсиқлар вужудга келтириш, шу билан бундай мактаблар ривожланишининг олдини олиш эди. Туркистон ўлкасига нисбатан Татаристон, Бошқирдистон, Қирим ва Кавказorti ўлкала-рида анча илгари бундай жараён кечган ва уларга қарши курашда мустамлакачилар катта тажриба орттирган эдилар. Бу ўлкаларда ҳам жаҳидларга биринчи бўлиб мутаассиб ула-молар — "қадимчи"лар қарши чиққан эдилар. Губернаторлик маъмурияти "усули жаҳид" тарафдорларига оппозицияда бўлган маҳаллий мутаассиблар — "қадимчи"ларни қарши қўйди, бу курашда уларни рағбатлантирди, ўзлари бу мактабларга, уларнинг ташкилотчиларига қарши турли бўҳтонлар, сиёсий айбномалар уюштир-дилар. Бу билан генерал — губернаторлик маъ-мурияти, биринчидан, мустамлака халқни асрий қолоқликда, мутелиқда асрашдек қабих ниятини амалга ошириш вазифасини қўйса, иккинчидан, ўзини мусулмон дини софлигининг ҳимоячиси сифатида кўрсатди. Мустамлакачи маъмурлар ўзбек зиёлиларини бир — бирига қарама — қарши икки қутбга ажратиш ташладилар, жаҳидларни қаттиқ таъқиб остига олдилар, ўта мутаассиб дин пешволарни уларга қарши қўйдилар, мас — жид — мадрасаларнинг, эски мактабларнинг кў-пайишига катта имконият яратдилар. Туркия, Боғчасарой, Уфа, Қозон, Тифлис, Оренбургдан келадиган нашрларнинг тарқалишини қаттиқ назорат остига олдилар. Бу билан ҳукумат маъ-мурлари мустамлакачилик мафкурасининг усу-туналаридан бўлиш Н.И. Илминский кўрсат-маларига амал қилдилар. Эътибор беринг, Н.Илминский ўз маслақдоши Синоднинг обер-прокурори К.П.Победаносцевга йўлаган мак-тубида уни нималардан огоҳ бўлишга даъват этади: "Олимлардан ва ўта билимли ўқитув —

чилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва мук — каси билан динга берилган оддий одамларни қаттиқ кузатув остига олинглар".

Мустамлакачи маъмурлар маърифат фидо — йиларига қарши курашда, уларни халқ ўртасида бадном қилишда энг қабих усуллардан ҳам қайтмаганлар. Кексаларнинг хабар беришига қараганда, 1908 йилда Н.Остроумов Улуғбек мадрасаси жомеъсида бир неча минг номозхон ҳузурида ёшларнинг усули жаҳид мактабларига бориб, мусулмон дини аҳкомига амал қилмай қўяётганиклари, бундай мактабларда динга хилоф илмлар ўқитилаётгани ҳақида "куюниб" маъруза қилган. Қора халқ, мутаассиб уламолар унинг маърузасидан қаттиқ мутаассир бўлиб, "ғайридин бўлса ҳам бизга, динимизга қанчалар меҳрибон" деб, кўзларига ёш олиб, дуо қилган эканлар.

Н.Остроумов "усули савтия" мактабини тек — шириш учун боради ва кенг жамоатчилик олдида муаллимга қуйидагиларни таъкидлайди: "Домла, каломи шарифни кўпроқ ўқитинг, ҳа, каломи шарифни...".

"Усули савтия" методига асосланган илк "усули жаҳид" мактабининг очилиши Тошкентда 1900 йилнинг бошларига тўғри келади. Бу ҳақда жаҳидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган педагог, ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқин (1883 — 1964) ўзининг "Турмуш уру-нишлари" мемуарида қуйидагиларни ёзади: "Қудратуллоҳқори ҳар куни Бешёғоч дарвоза — сидаги "нўғой маҳалла" сиға бориб, яқинда ички Русиядан келиб, мазкур маҳаллага мактаб очгон бир татар муаллимидан ўрганиб келар ҳам Охангузардаги "русски — туземный" номи би-лан очилгон ўрус ибтидоий мактабига кечалари қатнаб ўқуб юрар эди. Бу чоқларда "усули сав-тия" деган гапни ҳеч киши билмас, ҳеч бир киши айтмас ҳам эди. Бу ўқишни кишилар "нўғойча ўқиш" деб юрар, ҳеч кишида таассуб ҳам йўқ, бундай ўқишнинг ҳаром ва ҳалоллигига фатво излаган киши ҳам йўқ эди. Мен ҳам қайси Ча-қарда Қудратуллоҳқорининг мактабига бориб, болаларга ўқитгон нарсаларини кўруб, ҳайрон қолиб, мадрасага қайтиб келар эдим. Бунинг ўқитадургон нарсалари татарча бир алифбони қора туника тақтага бўр билан ёздириб, ўқитиш ва бир оз ҳисоб ўргатишдан иборат эди. Бу "нў-ғойча ўқиш", яъни усули жаҳид 1900 йил март ўрталарида шул Қўшмозор даҳаси билан Кўкча даҳаси, Тўқли жаллоб маҳалласидаги Наби домла мактабида бошланган эди"⁴

1905 йил биринчи рус инқилоби жаҳидчилик

ҳаракатининг янги тараққиёт босқичига кўта — рилишига, кўламининг кенгайишига, миллий онг, миллий тафаккурнинг ривожига туртки бўлди. Турк, татар, озарбайжон, бошқирда му — тафаккирлари билан алоқалари янада мустах — камланди: Боғчасаройда И.Гаспралининг "Тар — жимон", Уфада Каримийнинг "Вақт" газеталари, Оренбургда атоқли маърифатпарвар, демократ Ризоиддин Фахриддиннинг "Шўро" журнали ўлкада анча кенг тарқала бошлади. Янги "усули жаҳид" мактаблари сони маҳаллий мактаб — дорлар, ҳур фикрли зиёлилар савй — ҳаракати ҳисобига анча ортди. Бу ҳол мустамлакачиларни анча ташвишга солди. Фарғона вилояти халқ ўқув юрталари инспектори (назоратчиси) О.Егоров 1909 йилда Туркистон ўлкасидаги рус — тузем мактабларининг аҳволига бағишланган махсус кенгашда куюниб шундай деган эди: "Яқин ке — лажақда янги методдаги маҳаллий мактаблар — нинг кенг ёйилиши ва уларга нисбатан маҳаллий аҳоли эътиборининг кескин ортиб бориши билан рус — тузем мактаблари батамом хароб бўлади".⁵

"Усули жаҳид" мактабларини бутунлай ёпиб қўйиш ёки тақиқлашдан губернаторлик маъмурияти қўрқар эди, чунки бу иш бундай мактабларни яширин равишда ташкил қилишга, айниқса, маҳаллий халқнинг қаттиқ норозилик ҳаракатига олиб келар эди.

Маҳаллий педагогларнинг "усули савтия" мактабларини очиши губернаторлик маъмурияти томонидан қаттиқ назорат остига олинди. Шу муносабат билан 1909 йилда Туркистон ўқув округи қопида махсус комиссия "Фармойиш" ишлаб чиқди. "Фармойиш" қуйидаги масалаларни ўз ичига олган эди:

1. Маҳаллий мактаблар Чор маъмуриятининг махсус рухсатномаси билан очилади.
2. Маҳаллий мактабларни очиш ва унда ўқитиш сиёсий жиҳатдан тўла ишончли бўлган Русия фуқароларигагина рухсат этилади.
3. Маҳаллий мактаб қайси миллат болалари учун очиладиган бўлса, унинг ўқитувчилари ҳам ўша миллатта мансуб бўлиши шарт.
4. Маҳаллий мактабларда фақат Русия цензураси рухсати билан чоп этилган китобларгина ўқитилади.
5. Маъмурий полиция идораларида ишловчи масъул шахслар зиммасига барча маҳаллий мусулмон мактабларини аниқ рўйхатга олиб бориш ва рўйхатдан ўтмаган мактабларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилади.

6. Махсус рухсатсиз мактаб очган шахслар мактаб очиш ва ўқитувчилик ишидан абадий маҳрум этилади.

7. Маҳаллий мактаблардаги ўқитиш ишлари ва уларда жорий этилган тартиб — қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилиб туриш маҳаллий маъмурларга ҳамда мактаб нозирларига юкла — тилади.⁶

Фармойишнинг ҳамма моддаси маҳаллий миллат фарзандлари учун очиладиган мактабларга бир катта тўсиқ вазифасини бажарди. Учинчи моддадаги таъкидга кўра ўқувчилар қайси миллатта мансуб бўлса, мактаб очувчи муаллим ҳам ўша миллатга мансуб бўлиши ке — рақ. Бу билан ички Русиядан келган татарлар томонидан очилган ва очилаётган "усули жаҳид" мактабларининг фаолияти тўхтатилди. Натижада, "усули жаҳид" мактабларининг сони кескин камая бошлади. Бу ҳақда Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам қуйидагиларни ёзган эди: "Олмаота (Верный)да ўрис муаллимларининг катта йиғини бўлди, шул йиғинда "Татарлар, қозоқлар билан бирга сарт болалари ўқитилмасун! Ўқумушли татарларга Туркистон ўлкасида туриш учун йўл қўймаслик керак! Чунки улар сарт, қозоқларга билим тарқатиб, кўзларини ва фикрларини очадурлар. Сўнгра бизга емак учун Туркистонда нон қолмайду. Иккинчи, янги тартиб билан ўқитувчи — муаллимлар програмалари, ўқитадургон китоблари кимларнинг асарлари эканлигини "инспектор"ларга ёзиб кўрсатмагунча бола йиғиб ўқита олмай — дурлар", — деб қарор бердилар. Ҳукуматнинг ўрус ва мусулмон маъмурларидан (амалдорлар) ҳам имтиҳон кўриш баҳонаси билан келиб — кетиб турмоқда эдилар".⁷

Энди дунё юзини кўраётган "усули жаҳид" мактабларида қўллаш учун маҳаллий муаллифларнинг дарсликлари ҳали йўқ даражада эди. Атоқли маорифчи Саидрасул Саидазизовнинг "Устоиди аввал" алифбо дарслиги ниҳоятда кам миқдорда нашр қилиниб, ҳатто рус — тузем мактаблари учун ҳам етишмас эди. Бунинг устига "Фармойиш"га биноан татарлар томонидан яратилган ва "усули жаҳид" мактабларида муваффақият билан ўқитилаётган дарсликлардан фойдаланиш манъ этилди. Бу ҳам жаҳид мактабларининг кенг кўламда фаолият кўрсатишга катта тўсиқ эди. Шунинг учун ҳам жаҳид педагогларидан Ҳожи Муин Шукруллаев кўплаб "усули савтия" мактабларининг ёпилиб қолаётганини маҳаллий ўқитувчиларнинг, биринчидан, "усули савтия" методидан хабарсизликлари бўл —

са, иккинчидан, бундай мактаблар учун махсус дарсликларнинг йўқ даражада эканлигидан, деб кўрсатади: "1901 йилдан эътиборан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Тур – кистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан (тақлидий суратда) бир даража кўпайган бўлса ҳам, 4 – 5 йилдан кейин яна камайиб, фақат ту – зуқлари давом этди. Бунинг биринчи сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитувчилар – нинг усули таълимдан хабарсизликлари эди.

Жадид мактаблари икки томонлама – ма – ҳаллий мутаассиблар ҳамда генерал губерна – торликнинг таъқиб ва тазъийқларига қарамай, маҳаллий халқ ўртасида катта эътибор қозониб борди. Бу ишда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авланий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сид – дикий Ажзий, Абдуқодир Шакурый, Фитрат, Ҳамза, Ибрат каби мутафаккирларнинг хизмати улуг аҳамиятга эга бўлди. Улар бу мактаблар учун илк дарслик ва қўланмаларни ҳам яратдилар.

Адабиётлар

1. "Таржимон", 1884 йил, 14 – сон.
2. "Шўро" журнали, 1909 йил, май.
3. И.Гаспиралининг ушбу мактуби тарихчи – олим С.Холбоев томонидан ўзбек тилига ўтирилиб, "Гулистон" журналининг 1995 йил 2 – сониде эълон қилинган.
4. Мўминжон Муҳаммаджонов, Турмуш урунишлари, Тошкент, 1926, 37 – бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, Д.797, 75 – бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви, 47 – фонд, 926 – д., 109 – бет.
7. Мўминжон Муҳаммаджонов, Турмуш урунишлари, 107 – бет

РЕЗЮМЕ

В данной статье по новому объективно трактуются возникновение и развитие джадидских школ, которые сыграли огромную роль в развитии педагогической мысли в Туркестане. Автор статьи на основе первых источников раскрывает сущность новометодных школ, открытых крупными деятелями национального возрождения. В статье использованы материалы архива, периодической и джадидской печати начала XX века и произведения созданные джадидами для новометодных школ.

RESUME

In this article the origin and development of jadids schools are investigated in a new way. These schools played a great role in development of pedagogical thought in Turkistan. The author of the article describes on the basis of the first sources the essence of modern methodological schools founded by the greatest figures of the national renaissance. Materials of archives of periodicals and jadids media at the beginning of the 20th century are also used in this article.